

ФРАНЦ КАФКАНИНГ МОДЕРНИСТИК ҚАРАШЛАРИ

Шахноза КУВАНОВА,

Карши давлат университети немис тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси

e-mail: kuvanova_7576@list.ru

Аннотация: Кафканинг Дунёни нисбатан шафқатсиз, хиссиз, бюрократ золим сифатида қабул қилиши ва ҳамиша салбий қараши, қўрқув ва адоқсиз виждан азобиу соғинч туйғуси, шунингдек, мазкур мавхум Маконда Инсоннинг ўзини тополмай яшаши ортидан жамиятдан рухан, маънан ва қалбан олислашув оқибатида туғилган ажойиб асарларни модернизмнинг экзистенциализми билан боғлашлари мақолада таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: роман, ёзувчи, матн, ўқиши, яратиш, бадиий тасвир, яшаш, обект, ижодкорлик, қўрқув, сабаб, жалб қилиши.

THE MODERNIST VIEWS OF FRANZ KAFKA

Kuvanova Shakhnoza Omonovna

Independence researcher at Karshi Staate University

e-mail: kuvanova_7576@list.ru

Annotation: The article analyzes the worldview of Kafka as a relatively cruel, insensitive, bureaucratic tyrant, his constant negative attitude, fear and endless remorse and nostalgia. Kafka was completely uninterested in social conflicts, revolutions and wars and therefore he bypassed the socio-philosophical theories that arose during his period. Nevertheless, the writer's work found its logical basis in that tragic period, the beginning of the era of dreamers.

Key words: novel, writer, text, reading, creation, artistic image, life, object, creativity, fear, reason, engagement.

Кафканинг дунёни нисбатан шафқатсиз, хиссиз, бюрократ золим сифатида қабул қилиши ва ҳамиша салбий қараши, қўрқув ва адоқсиз виждан азобиу соғинч туйғуси, шунингдек, мазкур мавхум Маконда Инсоннинг ўзини тополмай яшаши ортидан жамиятдан рухан, маънан ва қалбан олислашув оқибатида туғилган ажойиб асарларни модернизмнинг экзистенциализми билан боғлашди. Бироқ Кафканинг ижодий дунёсини сюрреалистик даҳшат, галлюцинация, алаҳсирашлар. Адид асарларини ўқиётган китобхон қаршисида тамоман бошқа дунё пайдо бўлади; қаршингда гўё ёзувчи ва қаҳрамон шахсияти бирлашиб кетгандай туюлади. Бу табиий чунки ёзувчининг деярли барча асарлари унинг ички дунёсидаги кечинмаларининг маҳсули, эҳтимол, қўрқув, виждан азоби ва ёлғизлик изтиробидан туғилганлигини, нафақат унинг китоблари, балки кундаликлари ҳам гувоҳлик бериб туради, «...хозир тамоман ўзимга ишончни йўқотганман, ҳар қандай тасодифий нигоҳ, каминанинг дунёсини остин-устин қилиб юборади, ҳатто унитилган, арзимас хотиротларни уйғотиб юбориши турган гап. Бундай туйғу, ҳеч қачон бунчалар кучли бўлган эмас, ҳаётда факат шафқатсизликни кутяпман. Айтишим жоизки, қалбим буткул бўм-бўш. Ҳозирги ҳолатимни худди зулмат тунда тоғда онасини йўқотиб қўйган қўзичоққа ўхшайман. Шунчалар ўзимни йўқотиб қўйганманки, ҳатто бунинг учун қўз ёш тўkkани ҳолим йўқ...», модернист ёзувчи учун Дунёни ҳис қилишнинг ўзига хос ажойиб туйғу! «Яна бир бор кучим билан дунёга қараб бақирдим. Лекин кейин оғзимни боғладилар, қўл-оёғимни занжирлашди ва қўзимни ҳам рўмол билан тўсиб қўйишид...» 1917 йилнинг 3 авгуустда ўз кундалигига битиб қўйган Кафканинг “Америка”сидаги ўн олти ёшли йигитчанинг ҳолати эслатади, шунингдек, тунги даҳшатлардан ҳикоя қилувчи “Кўрқинчли фильм”га ўхшайди.

Бунчалар ўзига хос ёзувчининг пайдо бўлиши, бир қарашда, унинг биографик шароити учун ҳам ғаройиб ҳодиса эди. Кафкани ижтимоий низолар, инқилоб ва урушлар умуман қизиқтирмасди, мазкур даврда пайдо бўлган ижтимоий-фалсафий назарияларни айланиб ўтди. Шунга қарамай, ёзувчининг ижоди мана шу фожиавий Замонда ўз мантикий асосини топган эди, хаёлпаратлар Даврининг ибтидоси эди.

Кафка ҳақда ёзилган ҳеч бир китобда уни на миллиати ва на ватани эслатиларди, немисзабон ёзувчининг келиб чиқиши яхудий, маданий қадриятларига кўра, австриялик эди. У бой яхудийлар оиласида 1883 йилнинг 3 июлида туғилганди. Онаси диндорлар оиласидан эди, отаси эса, қишлоқ жойида яшовчи пармаловчи устанинг ўғли эди. Отаси ҳали ёшлиқ пайтларидаёқ савдо-сотик идорасининг фаолиятини йўлга қўйган, омадли тадбиркор бўлишга эришди. Отаси уни мана шу идоранинг ишларини юритишига умид боғлагани учун Кафка падарининг истаги билан Праганинг немис университетида таҳсил олди, лекин адабнинг ўзи Мюнхенда филологияни ўрганишни ниҳоятда истаганди. Олийгоҳни тугатгач, у ўн беш йилча (1908—1922) “Ишлаб чиқариш давридаги баҳтсиз ҳодисаларни сугурта қилиш” жамиятида меҳнат қилди. Ўлемидан икки йил бурун адабнинг саломатлиги тамоман ёмонлашди, сўнг Кафка нафақага чиқди, ниҳоят аввалдан ўйлаб юрган Берлинга «қочиши»ни амалга оширди; оиласининг ҳомийлигидан олисга, ижодига тамоман баҳшида қилишни кўзлаганди. Бироқ орзуларнинг рўёбга чиқиши, адабнинг қисматига битилмаган экан, сил касалининг авж олиши боис у ўйига қайтишига тўғри келди; 1924 йилнинг 3 июнида вафот этди. Энг қизифи шундаки, Кафка ҳақида яқинларининг хотиротларида унинг ҳукуқ фанлари доктори эканлиги ҳақида ёзишган, бироқ адабий ижоди хусусида бир оғиз ҳам гап йўқ ва бу тасодифий эмас. Ёзувчининг отаси Герман Кафка ўғлининг адабий маҳорати бир тийина арзимаслигига шубҳа қилмаган. Отанинг қаттиқўл диктаторларга хос шафқатсиз характеристи ўғли билан орасидаги келишмовчиликларни тамоман кучайтиарди, Кафка учун отаси идеал инсон бўлгани учун ўзини бошқачароқ табиати учун ҳам айборлик хисси ичини худди каламушдай кемираради. Шундай бўлса-да, унга адабиётга “кириш” қўлидан келди ва бу ўзига хос ҳодиса бўлди. Аммо Кафканинг табиатида сезилмас итоатсизлик бор эди, кундузи у ўртамиёна одобли мансабдор шахс, кечқурун эса ижодга шўнғирди, кейинчалик бу унинг ҳақиқий ҳаётига ва тириклигининг моҳиятига айланди. Аммо унинг қучсиз саломатлиги ортиқ бундай тинимсиз ишлашни кўтаролмасди, ёзувчининг ҳаёт қайifi ўлим қирғогига яқинлашаётганди. Отасига нисбатан ҳиссиятлар ноодатий даражада қийин эди: шафқатсизлик, бўйин эгиш, илоҳийлаштириш, ички эркинлик туйғусини босиш ва шунга ўхшаш туйғулар... Энг ҳайратланалиси шундаки, Кафка мана шу сезилмас “исён”ининг адолатлилигига, ҳақлигига амин эмасди, чунки адаб онгиди “гуноҳкорлик хисси” шунчалар кучли эдики, бу ёзувчининг ижодига сингиб кетди; бу ҳолатни, ҳатто мактубларидан сезилади. Бундан ташқари Кафканинг барча қаҳрамонлари қутулиб бўлмас айборлик туйғуси билан ўзини азоблайди. “Баъзан инсоннинг жаннатдан қувилгани ва бу қадар гуноҳга ботганини сабабини бошқалардан қўпроқ англайдигандай туюламан”, кундалигига ёзилган сўзларидан адаб дунёсида инсон туғилибоқ гуноҳкор саналади, отасининг умидларини оқламагани учун унинг олдида икки карра айбор сезиши табиий ҳол. Шунга қарамай Кафка ўзига содик қолди. Отасига битилган мактуб, унинг нафақат гуноҳкорлик, балки иқрорлик даври ҳам эди, ҳатто илтижо ҳам эди. «Отамга мактуб» (1919) — адабнинг ҳақиқий хати саналади, адабий тўқимаси эмас. Мактубда отаю ўғил орасидаги келишмовчилик ошкор қилинмаган, бироқ эгасига жўнатилмаган эди. «Азиз отажоним! Куни кеча нега бунча сендан қўрқишимни сўрадинг...» Айтиш жоизки, мазкур хат Франц отасига ўзининг икки асари — “Жазо калониясида” ва “Қишлоқ табиби”ни ўқишига тутқазгани, бироқ отаси уларга, ҳатто очиб қарамаганидан дили оғригани туфайли ёзилган. Чунки Кафка учун оиласи ҳаётининг бутун мазмуни эди, айниқса, отасининг фикри ўғил учун кўп нарсани англатарди. Айни мана шу эътиборсизлик, беписанд қарашиб туфайли ҳам Кафкадай ёзувчи адабиётда пайдо бўлди.

Хулоса ва таклифлар (Conclusions/Recommendations). Хуллас, ота ва ўғил орасидаги келишмовчилик, оила олдидаги айборлик, ёзувчини адо қилган қўрқув, шунинг билан бирга ёлғизликка чанқоқлик... Кафка яшаган даврларда Австрияда ўзига хос ғайритабиий механик бирлашув пайдо бўлди: бошқарув системаси икки карра кучайди, мана шу бошқарув қофозлар билан ишловчи

амалдорлар армиясининг юзага келишига сабаб бўлди, аммо реал ҳаёт қоғоздагидан тамоман фарқ қиласади, бу ҳақиқатдан бир қадар узоқлашиш ҳам саналарди. Бу эса одамда давлатнинг қонун машинасига нисбатан ишончсизлик ва химоясизлик туйғусини юзага келтиради. Аммо Кафканинг ўзи ҳам мана шу армиянинг бир аъзоси эди. Кафка ижоди бевосита мана шу давр билан боғлиқ, гарчанд адиб томонидан ёзилган асарларини субъектив ва объектив характерига қўра, саналаштириш ниҳоят даражада душвор. Адибнинг тириклик вакътларида ниҳоятда оз нарсалари босилган: «Америка»нинг биринчи боби «Ўтёқар» («Der Hcizer», 1913) номи остида, «Хукм» («Das Urteil», 1916) ва «Эврилиш» («Der Verwandlung», 1916) новелласи, «Қишлоқ табиби» ҳикоялар тўплами («Ein Landarzt», 1919), “Жазо колониясида” («In der Strafkolonie», 1919), «Оч» ҳикоялар тўплами («Ein Hungerkunstler»), «Жараён»дан пачалар («Der Prozср», 1915—1916). Бор ёғи шу, энг қизиқарлиси, адиб уларни ўлимидан сўнг ёқиши васият қилиб қолдирмаган, яъни ўлимга ҳукм этмаган асарлари, десак ҳам бўлади. Ёзувчининг вафотидан кейин «Жараён» 1925 йил, «Америка» тўлиқ ҳолда 1927 йилда, «Қўргон» («Das Schloß»), дастлаб 1921 —1922, сўнг 1926 йилларда нашр қилинган. Кафка меросининг ажralmas қисми бу унинг «Кундалилар»и («Tagebücher» 1910—1923) саналади, «Мактублар» («Briefe», 1902—1924), «Миленага мактублар» («Briefe an Milena»), «Фелицияга мактублар» («Briefe an Felice») адабиётшуносларга Кафка руҳиятини англашга ёрдам берди, десак янглишмаймиз. Буларнинг бари ёзувчининг дунёнинг фақат ўз карашлари орқали тасавур қилгани, уни ўз “Мен”и орқали қабул қилганидан далолат беради. Дунёнинг реал қиёфаси адиб қўркуви билан қоришади ва у ўзини-ўзи ёлғизликка маҳкум қилганини кундалигидаги мазкур сўзларидан англаш қийин эмас: «Ташқарига чиқишига ҳожат йўқ. Столинг олдида ўтири ва қулоқ сол, ҳатто эшитмагин, шунчаки кут, қимир этма ва ёлғизликка маҳкум эт ўзингни ва Дунё сенга эшик очади, чунки унинг бошқа иложи йўқ» Оламни қабул қилишнинг модернистик услуби, бу гўзал бўёқлардан холи бироз ваҳимага солувчи адабиётдир. Фелиция Бауэр (Кафканинг қаллиғи бўлган, ёзувчи негадир тўйга яқин қолганида, у билан фотихасини бузган.) Кафка ҳақида сўзлаганида, унинг хотирасида қолган бир гапини такрорлашни севарди: «Камина адабий қизиқишиларидан холи.Faқат адабиётдан иборат одамман». Айни мана шу жойда адибнинг кимлиги маълум бўлади. У ўз ижодига сингиб кетган модернист. Адаб ижодини ўрганишга киришганлар ҳамиша шу жиҳатга аҳамият қаратишади, яъни Кафка ижоди автобиографик характерга эга, у реалликни яшириб ўтирамайди, асар қаҳрамонларининг никоби олинса, Кафка қиёфасини осонликча кўриш мумкин. Масалан, у кўпгина қаҳрамонларининг исми олдида «К» [4:68] ҳарфини тикиштириб қўяди ёки «Иосиф» деган исм ҳам кўп учрайди ёхуд оддийгина «у» деган олмошни кўллади, бу билан ёзувчи ҳамиша ўзини назарда тутади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Гашек ва Кафка” мақоласи//Чех файласуфи Карел Козик.
2. М.Гус. “Ниқобсиз модернизм”. — М.: Советский писатель, 1966, 68-бет.
3. Мих. Лифшиц. Танланган асарлар — М.: Изобраз.искусство, 1988, 430 б.
4. Затонский Д. Австрия адабиёти XX асрда. М., 1985.
5. Franz Kafka. Der Process. Novell. Fischer publisching house. Frankfurt am Main,2010. pp.— 9., 11.,18.,233.,238.,240.,241.
6. Felix Weltsch. Relegation und humor in the liefe and work of Franz Kafka, F.A. Herbig publisch bookstore. Munich 2009, - p. 22.
7. Franz Kafka. Letters 1902-1924. Fischer paperback publisching company. Frankfurt am Main, April, 1975
8. Franz Kafka. Diales 1910-1923. Fischer paperback publisching company. Frankfurt am Main, March, 1983
9. Franz Kafka. The Complete Stories. Schocken Books. New York, 1988